

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ**

**PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**МУХАМЕДЖАНОВА САКИНА ИСМАИЛДЖАНОВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ РЕКЛАМА  
САНЪАТИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Мухамеджанова Сакина Исмаилджановна**

Мустақиллик даври Ўзбекистонда ташқи реклама санъати ..... 5

**Мухамеджанова Сакина Исмаилджановна**

Искусство наружной рекламы в Узбекистане периода независимости ..... 23

**Mukhamedjanova Sakina Ismaildjanovna**

The art of outdoor advertising in Uzbekistan in the period of independence ..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works ..... 49

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ**

**PhD.38/09.07.2020.San.119.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК  
ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**МУХАМЕДЖАНОВА САКИНА ИСМАИЛДЖАНОВНА**

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШҚИ РЕКЛАМА  
САНЪАТИ**

17.00.08 – Санъат назарияси ва тарихи

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2020.1.PhD/San1 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Бадий Академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.mrdi.uz](http://www.mrdi.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим портали ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акилова Камола Балтабаевна**  
санъатшунослик фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳакимов Акбар Абдуллаевич**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Шахло Қурбонбуриевна**  
санъатшунослик фанлари номзоди

**Етақчи ташкилот:**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

Диссертация ҳимояси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.38/09.07.2020. San.119.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, факс: (+99871) 255-18-33, e-mail: [info@mrdi.uz](mailto:info@mrdi.uz)).

Диссертация билан Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Тел.: (+99871) 255-98-39, e-mail: [info@mrdi.uz](mailto:info@mrdi.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**Д.М.Қодирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, санъатшунослик фанлари доктори

**С.Ш.Алиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, санъатшунослик фанлари доктори

**А.А.Зияев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, архитектура фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда замонавий реклама жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий парадигмаларини белгиловчи ижтимоий институт сифатида ўзига хос ўринни эгаллайди. Бинобарин, замонавий реклама инсон танловини белгилашда етакчи омилга айланмоқда. Жаҳон рекламасининг ижтимоий-маданий омили санъатнинг бир кўриниши сифатида қабул қилиниши билан намоён бўлмоқда. Ҳозирда хорижий давлатларда реклама ташкилотлари жамиятнинг нафақат иқтисодий, балки оммавий-ижтимоий муаммоларининг мураккаб жиҳатларини реклама орқали талқин этишга эътибор қаратмоқдалар. Рекламанинг ҳозирги замонда оммавий коммуникация ва оммавий санъат контекстида мавжудлиги унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ортиб бориши билан белгиланиб, ҳар томонлама илмий таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Жаҳон миқёсида кечаётган бадиий жараёнларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган ташқи рекламанинг шаклланиш ва ривожланиш тамойилларини ҳар томонлама ўрганиш устувор илмий йўналишлардан бирига айланмоқда. Ҳозирги даврда халқаро илмий амалиётда ташқи рекламанинг шаҳар муҳити ва шаҳарсозлик, туризм ва ишлаб чиқариш билан ўзаро мувофиқлиги масалаларига давр талаблари асосида ёндашиб илмий тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда реклама соҳаси тараққиётига маҳаллий ишлаб чиқариш ва хусусий тадбиркорлик секторининг шаклланиши, шаҳар муҳитлари реконструкцияси, туризм инфратузилмаси ва қатор ижтимоий-иқтисодий ислохотлар таъсир этмоқда. Ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган “ADWEEK” Ўзбекистон реклама ва маркетинг ҳафталиги ҳамда мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар миллий реклама ва миллий брендни яратиш, реклама дизайнининг бадиий жиҳатларини ўрганиш, маҳаллий ташқи реклама амалиётини илмий-назарий тадқиқ этиш заруриятини кўрсатмоқда. Миллий маданий туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туризм маҳсулотларини жаҳон бозорларида тарғиб қилиш орқали соҳага инвестиция жалб этиш, тарихий ҳамда замонавий шаҳар муҳитининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташқи рекламани яратишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. “Ташқи бозорларда рақобат ва беқарорлик кучайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг реал тармоқлари билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур”лиги<sup>1</sup> ташқи рекламани илмий жиҳатдан ўрганиш, ундан оқилона фойдаланиш ва сайёҳлик салоҳиятини оширишда долзарб аҳамиятга эга эканлигини исботлайди.

---

<sup>1</sup>Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқи // Халқсўзи. – 2016, 09 сентябрь, № 179.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган 724-І-сон “Реклама тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5495-сонли, 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли фармонлари, шунингдек, “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Жамиятни ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнида миллий, адабий, тарихий ва диний кадриятлар, миллий ғоя, эстетик-бадий тарбия, санъат, моддий ва номоддий маданий мерос, миллий давлатчилик тарихини тадқиқ этиш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда хорижий илмий адабиётларнинг аксарияти реклама феноменини турли хил фан тармоқлари доирасида ўрганишга бағишланган. Рекламага оид маълумотларни илмий тадқиқ этиш борасида рекламашунос маркетинглар, дизайнер мутахассислар иш олиб боришмоқда. Бу борада XX-XXI асрларда реклама соҳасида илмий изланишлар олиб борган куйидаги хорижий олимларининг тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга: D. Ogilvy<sup>2</sup>, Ph.Kotler<sup>3</sup>, R.Barthes<sup>4</sup>, U.Eco<sup>5</sup>, E.Cassirer<sup>6</sup>, C.Jung<sup>7</sup> ва бошқалар. Шунингдек, В.Л.Музыкант<sup>8</sup>, Ю.В.Савицкая<sup>9</sup>, В.В.Ученова<sup>10</sup>, В.Л.Афанасьевский<sup>11</sup>, Ю.М.Лотман<sup>12</sup>, Е.В.Сальникова<sup>13</sup>, А.В.Ульяновский<sup>14</sup>, Н.Г.Чаган<sup>15</sup>,

---

<sup>2</sup>Ogilvy D. 1983./Д.Огилви: Огилви о рекламе. пер. с англ. А. Гостева, Т. Новинова. – М., 2012. – 240с.

<sup>3</sup>KotlerPh.: MarketingEssentials, 1984./ Филип Котлер: Основы маркетинга. Перевод на русский язык: В.Б. Бобров. – М., 1990.

<sup>4</sup>Barthes R. / Р. Барт. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. – М.,1994. – 318 с.

<sup>5</sup>EcoU. Theory of Semiotics. – Bloomington, 1976.

<sup>6</sup>Cassirer E./ Кассирер Э. Философия символических форм: в 3 т. / пер. с нем. С. А. Ромашко. – М., – СПб.: Университетская книга, 2002.

<sup>7</sup> Jung C.G. The Archetypes and the Collective Unconscious/ из-воTaylor& Francis Ltd., 1968. – 480 p.

<sup>8</sup>Музыкант В.Л. Реклама и PR технологии. Учеб. пособ. – М.: Армада-пресс, 2002. – 688 с.

<sup>9</sup>Савицкая Ю.В. Реклама как фактор социокультурной динамики. Дис. ...канд. культурол. наук. – СПб.: 2005. – 183 с.

<sup>10</sup>Ученова В.В. Реклама и массовая культура: Служанка или госпожа?. – М., Юнити-Дана, 2008. – 248 с.

<sup>11</sup>Афанасьевский В.Л., Краснов С.Б. Реклама как явление культуры // Философия культуры. Самара, 1996. – С. 124–133.

<sup>12</sup>Лотман. Ю.М. Структура художественного текста. – М., 1970.

<sup>13</sup>Сальникова Е.В. Эстетика рекламы. Культурные корни и лейтмотивы. – М., из-во. «Алетейя», 2002. – 288 с.

Ю.А.Пономаренко<sup>16</sup>, Л.М.Дмитриева<sup>17</sup>, Е.Э.Павловская<sup>18</sup> каби рус олимларининг илмий ишлари рекламани маданият феномени сифатида ўрганишга бағишланган.

Ўзбекистон реклама соҳаси илм-фаннинг иқтисодий, педагогика ва психология каби фан тармоқларида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Н.Н.Шомуротова<sup>19</sup>, К.В.Мосин<sup>20</sup>, А.А.Азралова<sup>21</sup>, В.М.Каримова<sup>22</sup>, С.Абидов<sup>23</sup>, Д.Мамаджанова<sup>24</sup> каби олимларнинг илмий ишларида маҳаллий рекламанинг ижтимоий-оммавий жиҳатлари ўз аксини топган.

Ўзбекистон реклама амалиётини ўрганишга бағишланган манбалар, илмий тадқиқотларда, асосан унинг маҳаллий муҳитдаги ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳамда иқтисодий жиҳати тадқиқ этилган. Ўзбекистон муҳитида рекламани юзага келиши ва Мустақиллик йилларидаги тараққиёти, маҳаллий ташқи рекламанинг бадиий-эстетик хусусияти ҳамда реклама амалиётидаги ижодий жараёнлар, реклама дизайни таҳлиliga бағишланган тадқиқотларнинг санъатшунослик ҳамда маданиятшунослик фан тармоқларида мавжуд эмаслиги мазкур мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №PZ-2017-0930306 “Ёшларда қатъий фуқаролик позициясини шакллантиришда тасвирий санъат имкониятларини татбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда замонавий ташқи рекламанинг ижтимоий-маданий функцияларини аниқлаш ҳамда унинг бадиий-эстетик

---

<sup>14</sup> Ульяновский А.В. Социально-философские основы мифодизайна // Психология и психоанализ рекламы. – Самара, 2001. – 262 с.

<sup>15</sup> Чаган Н.Г. Социокультурные основания рекламы: Теоретический и технологический аспекты. Дис. ... док. пед. наук. – М., 1998. – 53 с.

<sup>16</sup> Пономаренко Ю.А. Этико-социальный аспект взаимодействия рекламы и общества. // Сб. научных трудов гуманит. фак-та/АлтГТУ. – Барнаул: Изд-во АлтГТУ, 2002. – С. 173–178.

<sup>17</sup> Дмитриева Л.М. Разработка и технологии производства рекламного продукта. – М., Экономист, 2006. – 638 с.

<sup>18</sup> Павловская Е.Э. Дизайн рекламы: Стратегия творческого проектирования. – Екатеринбург: Архитектон, 2002. – 160 с.

<sup>19</sup> Шомуротова Н.Н. Ўзбекистон оилаларида реклама маҳсулотларини идрок қилишнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари. Психолог. фан. ном. дисс. ... – Тошкент, 2011. – 166 б.

<sup>20</sup> Мосин В.К. Реклама и духовно-нравственное воспитание личности: Дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1998. – 153 с.

<sup>21</sup> Азралова А.А. Товарлар рекламасини ташкил қилиш васамарадорлиги. Икт. фан. номз. дис. автореф... – Тошкент, 2005. – 226.

<sup>22</sup> Каримова В.М. Ўзбек ёшларида оила таълимидаги ижтимоий тасаввурлар шаклланиши. Психол. фан. докт. дис... автореф – Тошкент, 1994.

<sup>23</sup> Абидов С. Рекламада болалар образи // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2006. – 3-сон.

<sup>24</sup> Мамаджанова Д. Особенности социально-психологического восприятия рекламного продукта // Мактаб ва ҳаёт. – Тошкент, 2007. – 4-сон.

жиҳатларини тасвирий санъат кесимида ривожланиши ва тараққиёт тамойилларини белгилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон ташқи рекламаси генезиси ҳамда мустақиллик давридаги ривожланиш босқичларини ретроспектив таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ташқи реклама дизайни ривожланишининг устувор тамойилларини аниқлаш;

Ўзбекистон ташқи рекламасини санъатнинг бошқа турлари билан синтези хусусиятларини тавсифлаш;

Ўзбекистон ташқи реклама дизайнининг бадиий ечимидаги миллий ўзига хослик ҳамда уларни замонавий ва тарихий шаҳарлар муҳитидаги татбиқини қиёсий таҳлил қилиш;

тадқиқот натижалари асосида реклама яратувчиларига илмий асосланган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** этиб мустақиллик йилларида Ўзбекистон ташқи реклама дизайнининг шаклланиши, ривожланиш жараёни ва шаҳарсозликдаги бадиий-эстетик ифодаси белгиланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Ўзбекистон ташқи рекламасининг генезиси, ривожланиш тамойиллари ҳамда мустақиллик йилларидаги намуналарининг бадиий хусусиятлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий солиштирма ҳамда тарихий таҳлилий усул, фанлараро ёндашув, тавсифий, психологик, қиёсий таҳлил қилиш, типологик ҳамда эмпирик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

VII–VIII асрларда урф бўлган тарғиботга оид жарчилик фаолияти, халқ кўнгилочар санъатининг томошавий хусусиятлари, ўрта асрларга доир амалий санъат асарларидаги муаллифга оид маълумотлар реклама санъатининг шаклланишида муҳим омил бўлганлиги далилланган;

XX аср жаҳон тасвирий санъатининг оп-арт, минимализм, поп-арт, инсталляция, кинетизм каби йўналишлари услубий ечимларининг замонавий маҳаллий ташқи реклама дизайнидаги белгили, конструктив, колористик, композицион бадиий-эстетик хусусиятлари аниқланган;

ташқи рекламанинг дизайнига бадиий образларни трансформация қилиш жараёнларидаги визуал ечимлар, муҳит ва эмоционал ҳолатлар, реклама маҳсулотининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари билан боғланиши бирламчи аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

Ўзбекистонда ташқи реклама санъатидаги миллий ўзига хослик, миллий образлар, халқ амалий санъати намуналари, миллий меъморчиликдаги шакл ва нақшларни ташқи рекламанинг тасвирий ечимида қўлланилганлиги билан далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон халқ амалий ва тасвирий санъатидаги ижодий тажрибаларни замонавий рекламанинг бадиий жараёнига кенг татбиқ этиш ва миллий ташқи реклама санъатига оид ижодий изланишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

диссертациядаги маълумот ва материаллар бадий таълимга ихтисослашган ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабаларининг “Реклама асослари” фанига оид дарслик яратишда асос бўлган.

тадқиқот материаллари Ўзбекистонда ташқи реклама санъатини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, телекўрсатув, радиоэшиттириш тайёрлаш, хужжатли фильмлар яратиш ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда манба сифатида қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган илмий ёндашув усуллари ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, замонавий санъатшуносликнинг синалган усуллари ҳамда назарий ёндашувларнинг қўлланилгани, архив материаллари ва каталог тизими каби бирламчи манбаларга асослангани, илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий хулосаларни асослашда фанлараро, мажмуавий, тарихий-маданиятшунослик, санъатшунослик ва қиёсий типологик ёндашувларни қўллаган ҳолда Ўзбекистонда ташқи реклама санъатининг ҳозирги кунга қадар бўлган тадрижий ривожланиши илмий асослаб ёритилганлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти – олинган маълумот ва хулосалардан Ўзбекистонда ташқи реклама санъатини ўрганишда самарали фойдаланиш имконини беради. Шунингдек, Реклама дизайни, Ўзбекистон амалий графика санъати, санъатшунослик, маданиятшунослик фанларидан тайёрланадиган дарслик ва ўқув қўлланмалари учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилиши баробарида, замонавий санъат кўргазмалари, лойиҳалар ва илмий конференциялар ташкил этишда амалий асос сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мустақиллик даври Ўзбекистон ташқи реклама санъати бўйича олинган илмий натижалар асосида:

VII–VIII асрларда урф бўлган тарғиботга оид жарчилик фаолияти, ҳалқ кўнгилочар санъатининг томошавий хусусиятлари, ўрта асрларга доир амалий санъат асарларидаги тарғиботга оид маълумотлар реклама санъатининг шаклланишида муҳим омил бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар, реклама генезиси ва тараққиёти, унинг асосий тушунчалари, рекламада лойиҳалаш жараёни борасидаги таянч назарий материаллар “Реклама асослари” дарслигида акс этган (Ўзбекистон Бадий академиясининг 2020 йил 26 мартдаги 01-17/105-367-сонли далолатномаси). Натижада, талабалар тасвирий санъат кесимида ташқи рекламанинг юзага келиши тарихи ва тараққиёти, реклама дизайнини яратишда тасвирий санъат йўналишларининг бадий усуллари қўлланилиши ҳақида билимларини оширишга хизмат қилган;

диссертациядаги тизимлаштирилган материаллар, реклама ишини ташкил этиш, унинг бадий-эстетик ечими орқали омма эътиборини реклама объектига жалб этиш усуллари бўйича олинган илмий натижалардан Ўзбекистон давлат санъат музейида кўргазмалар экспозицияси реклама

афишалари концепцияларини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 01-12-10-2809-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари маданий туризм соҳасини янада ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий мақола нашр этилган бўлиб, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, хорижий журналларда 3 та илмий мақола, 8 та бошқа илмий-оммабоп журналларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 бетни ташкил этади. Иловада берилган иллюстратив альбом 53 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари белгиланиб, объект ва предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, ишончлиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробациядан ўтказилганлиги ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ўрин олган.

Диссертациянинг **“Реклама феномени тарихий-маданий ва ижтимоий-психологик кесимда”** деб номланган биринчи бобида реклама генезиси, жаҳон ҳамда Ўзбекистон тарихида рекламанинг оммавий санъат тури сифатида юзага келиши ва тараққиёт босқичлари, турли тарихий даврлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий омилларнинг рекламага таъсири, рекламанинг ижтимоий коммуникация воситаси сифатидаги психологик жиҳатлари ва унинг инсонга таъсири маҳаллий ташқи рекламалар мисолида тадқиқ этилган ҳамда реклама композицияларнинг бадиий ечимларида қўлланилган архетип ва белгилар тавсифланган.

Рекламани юзага келишининг илк босқичи протореклама<sup>25</sup> тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, у ўзида реклама коммуникациясининг баъзи функцияларини бажарувчи дастлабки ижтимоий-маданий муносабатлар йиғиндиси сифатида намоён бўлган.

VII–VIII асрларда Ўрта Осиёнинг ягона мусулмон дунёсига кириши, қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик маҳсулотларининг Ўрта ва Яқин Шарққа экспорт қилиниши тадбиркорликнинг етакчи омили бўлган рекламанинг специфик шакллари пайдо бўлишига олиб келди.

---

<sup>25</sup>«Протореклама» –ўзига хос намоёнишга оид тасвирий ҳамда товушли белги ва рамзлар жамланмаси.

Бу оғзаки жарчилик фаолияти ва реклама моҳиятидаги маълумотларни ёзма шаклда амалий санъат асарлари юзаладида келтириш кўринишида ўзифодасини топди.

Ўзбекистон реклама тараққиёти тарихидаги муҳим давр XIX аср охири ва XX аср бўлиб, Ўрта Осиё минтақасига Россия капитали ва ишлаб чиқариш маҳсулотларининг жалб этилиши, европача маданиятни кириб келиши маҳсулотни реклама қилишнинг янги методлари ва турларини шаклланишига туртки бўлди. Туркистон ўлкаси худудида литографик босмахона, фотография ательелари, доимий чоп этилган газета ва журналлар шу даврдаги тижорат ва ижтимоий рекламанинг шаклланиши ва жойларда фаол тарқалишига сабаб бўлди.

Юқорида келтирилган маълумотларни тарихий-ретроспектив тарзда таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистоннинг замонавий реклама амалиёти билан қиёслаш Ўзбекистон рекламаси тараққиёти учун энг аҳамиятли бўлган тарихий давр – мамлакатнинг истиқлол йиллари рекламаси хусусиятларини шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини тавсифлаш имкониятини беради. Мустақиллик даври Ўзбекистон реклама фаолияти икки муҳим сифатларга эга. Бир томондан маҳаллий реклама миллий-маданий қадриятларни акс эттириш йўллариини изласа, иккинчи томондан, у дунё реклама амалиётида қўлланилаётган технологиялардан фойдаланиш йўлидан бормоқда.

Маҳаллий реклама амалиётида хорижий намуналарни ўзлаштириш жараёнида уларнинг мазмуни ва композицион ечимларини белгилашда рекламанинг маданий мазмуни тарихий анъаналар нуқтаи назаридан ўзгартиради.

Жамият тараққиётига мувофиқ реклама шакллари ҳам ўзгариб борди. Бундай ўзгаришлар натижасида реклама ижтимоий-маданий феномен тариқасида шаклланди. Ҳозирги кунда реклама муҳим ижтимоий воқелик сифатида иқтисодий мақсадлардан ташқари маданий, маънавий, ижтимоий ва сиёсий қарашларни намоён этмоқда.

Реклама ижтимоий коммуникация шаклларида бири сифатида маълумотлар, ғоялар, ҳиссиёт, малака ва кўникмаларни рамзлар, сўзлар, тасвирлар ва график белгилар орқали етказувчи воситадир. Реклама коммуникациясига хос бўлган, уни мақомини кўрсатувчи бир нечта характеристикаларни санаб ўтиш мумкин. Масалан, тилни манипуляция қилиш воситасини қўллаш, биргина реклама композициясини турли давлатлар шаҳарлари муҳитига мослаштириш, рекламанинг семиотик таъсири, реклама шакллариининг кўп вариантлилиги ва рекламанинг маданий характери кабилар шулар жумласидандир.

Реклама коммуникация воситаси сифатида жамият билан мулоқотга киришиш жараёнида психологик омилларнинг аҳамияти катта. Зеро, турли хил коммуникация каналлари орқали узатилаётган маълумотларни инсон томонидан ижобий қабул қилиниши бир томондан истеъмолчининг психологик ҳолати ва имкониятларига боғлиқ бўлса, бошқа томондан

реклама мурожаати ўзида қандай психологик характери ифода этишига боғлиқдир.

Рекламанинг вазифасини ўрганишда икки тарихий ёндашувга, яъни «суггестив» ва «маркетингли» ёндашувларга таянилади.

Инсон онгида рекламага қарши «иммунитетни» енгиш, реклама мурожаатларини «маълумотлар фильтри»дан ўтказишда реклама яратувчилари ўз ишланмалари билан харидорни онг ости даражасига таъсир кўрсатиши зарур. Ушбу вазифани амалга оширишда ташқи рекламада универсал ва этномаданий архетипларни қўллаш ижобий натижа беради.

Ташқи реклама санъат каби гедонистик, эстетик, информацион-коммуникатив, тарғиботга оид, суггестив ҳамда оммавий каби қатор тарбиявий функцияларни бажаради. Аммо мазкур вазиятда рекламанинг ўзига хослиги шундаки, санъат учун асосий бўлмаган, иккиламчи функциялар реклама учун муҳим аҳамиятга эга. Реклама санъат каби мавжуд ҳақиқатни ёки унинг маълум жиҳатларини акс эттирса, бошқа томондан у инсонга янада яхшиланган борлиқни намоиш этиш орқали дунёни моделлаштиради. Реклама замонавий оммавий санъатнинг бир қисми бўла туриб, унинг аудиторияга таъсир усуллари ва стилистикасини ўзида қўллаш орқали аниқ хатти-ҳаракатлар модели ва янги тенденцияларни шакллантириш қобилиятига эга. Бу эса рекламанинг ижтимоий муҳимлигини англатади.

Сўнгги йилларда маҳаллий реклама амалиётида тасвирий санъат асарлари образларини рекламага трансформация қилиш методидан мунтазам фойдаланилмоқда. Трансформация жараёнида танланган бадиий образ реклама концепциясининг асоси билан узвий равишда боғланиши ёки аксинча, фақатгина бадиий-композицион ечим томондан боғланиши мумкин. Бадиий образ мазмунининг трансформацияси жараёнига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: реклама тури, маҳсулот семантикаси, маданий контекст, истеъмолчи тури, оригинал образнинг бадиий ечими ва ҳ.к. Бироқ реклама тасвирий санъат билан боғлансада, ўзининг асл моҳиятини сақлаб туради. Аммо рекламада фойда олиш мақсади эмас, аксинча, бадиий-эстетик сифатлар устунлик қилса, реклама асари тузилиши ва композицион ечими жиҳатидан кўпроқ бадиий асар сифатида баҳоланади.

Замонавий ташқи реклама амалиётида маҳаллий дизайнерлар реклама композицияларини яратишда XX аср дунё тасвирий санъатига мансуб бадиий услуб ҳамда йўналишларга мурожаат этмоқдалар. Бундай ёндашув композициянинг эстетик қадр-қимматини оширишга ижобий таъсир кўрсатиб, уни маданий мазмун билан бойитади.

Ҳозирда реклама жаҳоннинг энг катта бизнес индустрияларидан бири ҳисобланади. Реклама технологияларини, унинг бадиий ҳамда визуал-эстетик таркибининг доимий янгиланиши ва ривожланиши мазкур феноменни санъат нуқтаи назаридан ўрганишни тақозо этади.

Диссертациянинг «**Мустақиллик даври Ўзбекистон ташқи реклама дизайни**» деб номланган иккинчи бобида ташқи рекламада дизайннинг аҳамияти, Ўзбекистон реклама дизайнидаги визуал-тасвирий элементларнинг

таҳлили, тарихий ҳамда замонавий шаҳарлар муҳитида рекламанинг ўзига хос хусусияти ва эстетикаси, шаҳар муҳитида ташқи реклама ва архитектура синтезининг тадқиқи, Ўзбекистоннинг замонавий ҳамда тарихий шаҳарлари муҳитида ташқи рекламаларнинг ўзига хос турлари ва хусусиятлари тавсифланган. Маҳаллий реклама агентликлари фаолиятини тадқиқ этиш жараёнида реклама маҳсулотларини яратувчи алоҳида дизайнерлар ижоди ўрганилган. Шунингдек, мазкур бобда рекламанинг шаҳарсозлик эстетикасига салбий таъсирлари муаммосининг ечимлари тақдим этилган.

Республикамизнинг замонавий ташқи реклама дизайни амалиётида хорижий мамлакатлар тажрибасини ижодий ўзлаштириш, жаҳон реклама дизайни билан танишиш жараёни кузатилмоқда. Шу билан биргалликда, маҳаллий ташқи реклама амалиётида миллий услубни излаш жараёни ҳам кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда тасвирий реклама истеъмолчи танловига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда маҳсулот ва унинг сифатлари маркетинги тез фурсат ичида истеъмолчининг ҳис-туйғусига йўналтирилган маркетингга айланиб бормоқда. Замонавий маҳаллий истеъмолчи маҳсулот сифати, хусусияти ва брэнд имиджи билан бир қаторда оригинал ва янгича тақдимотни кутади.

Олиб борилган тадқиқот ташқи реклама турларини таснифлаш имконини берди. Жумладан, Ўзбекистон шаҳарлари муҳитидаги ташқи рекламалар турлари ичида ижтимоий рекламалар алоҳида ўринга эга. Мазкур реклама турининг муҳимлиги икки омил билан белгиланади: биринчидан, ижтимоий рекламанинг асосий функцияларидан бири сифатида жамоатчилик фикрини шакллантириш, иккинчидан, азалдан ўзбек халқи учун муҳим саналган тарбия ва миллий урф-одатларни тарғиб этиш. Маҳаллий ижтимоий рекламалар мавзулари турлича: ўзбек халқининг тарихий-маданий хотираси ҳамда оилаларнинг анъанавий қадриятларини қайта тиклаш, мустақиллик йилларида мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий жабҳалардаги ютуқлари, хайрия мавзулари, тинчлик, ёшлар сиёсати ва ҳ.к.

Ўзбекистон ташқи реклама санъатидаги замонавий ижодий амалиётни таҳлил қилишда ХХІ аср дунё санъатидаги глобализация жараёнлари натижасида юзага келган маданиятлар диалогини эътиборга олиш лозим. Шу маънода Ўзбекистон ташқи рекламасида қўлланилаётган визуал-ифодавий воситаларнинг ўзига хослиги ҳамда уларнинг бадиий жиҳатларини санъатшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур муаммонининг муҳим жиҳати ХХ аср охири ҳамда ХХІ аср бошларида Ўзбекистон графика дизайнига таъсир кўрсатган тарихий-маданий омиллар билан боғлиқ. Шуни инобатга олганда ушбу муаммога оид маҳаллий илмий материалларда маълумотлар мавжуд эмаслиги тадқиқотда, асосан, рекламанинг юртимиздаги амалиётига оид аниқ эмпирик материалларга, хусусан, ташқи реклама намуналарига таянишни талаб этди.

Маҳаллий ташқи рекламанинг визуал-образли асосини фото ҳамда тасвири таркиб ташкил этади. Бунда коммуникациянинг тасвирий семиотик структурасининг асосий элементи сифатида асосан шакл, ранг ва

чизикларлардан фойдаланилади. Америкалик рекламашунос Лео Барнетнинг таъкидлашича, реклама самарали бўлиши учун у, энг аввало, тасвирий бўлиши лозим.<sup>26</sup> Маҳаллий ташқи рекламада рангларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Бу мамлакатнинг миллий-маданий ўзига хослиги ва анъаналари билан боғлиқ.

Лео Барнетнинг концепциясига биноан реклама ғоясини визуаллаштириш дизайнернинг ижодий фаолиятидаги энг маъсулиятли вазифаларидан биридир. Ушбу жараён натижасида дизайнер реклама объектига нисбатан истеъмолчида қизиқиш уйғотиши лозим. Реклама концепциясининг тўғри композицион ечими, албатта, ижобий натижаларга олиб келади, қачонки реклама композициясида дизайн-образ яратилган бўлса. Визуал реклама дизайнида композицион ечим биринчи даражали аҳамият касб этади ва уни тадқиқ этиш маҳаллий ташқи реклама назарияси учун долзарб масалалардан биридир.

Ташқи реклама композициясини яратишнинг бир қанча принциплари мавжуд. Булар: асосий элементнинг композициянинг бошқа қисмларида такрорланиши принципи; доминантлик принципи; мутаносиблик принципи. Маҳаллий ташқи реклама дизайнини мазкур принципларга мувофиқ яратиш амалиётда самарали натижа беради.

Мустақиллик даври Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлигида реклама воситалари билан бир қаторда муҳитнинг муҳим таркибий қимлари бўлган архитектура иншоотлари оммавий-маданий ҳамда информацион мазмунга эга. Урбанизациянинг ривожланишида ҳар бирининг алоҳида ҳамда умумий синтез таҳлили маданиятшунослик ҳамда санъатшунослик аспектларида кўриб чиқилишини талаб этади.

Сўнгги пайтларда шаҳар муҳитидаги архитектура иншоотлари статик ҳолатини йўқотиб, кўпроқ динамикликга эга бўлиб бормокда. Шаҳар информацион муҳитининг ажралмас қисми бўлган ташқи реклама воситаларини архитектура объектлари билан синтезини илмий тадқиқ этиш замонавий Ўзбекистон шаҳарсозлигидаги оммавий ҳамда элитар санъат намуналарининг бир-бирига бўлган таъсирини амалий мисоллар ёрдамида ёритиш имконини берди.

Тадқиқотлар замонавий оммавий санъат тури ҳисобланган ташқи реклама шаҳар муҳитидаги бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ архитектура манфаатларига хизмат қилиш эмас, балки жамиятнинг мустақил субстанцияси сифатида ривожланаётганлигини кўрсатди. Ҳозирги кунда рекламанинг шаҳар муҳитидаги вазифаси архитектура қоидаларига бўйсунуш эмас, аксинча, ўзининг шакли ва бадий ечими билан томошабин эътиборини қозонишдан иборат. Шаҳар муҳитида ушбу икки феномен маъно ва мазмун жиҳатидан бир-бирини тўлдириб туради. Санъатшунослик нуқтаи назаридан маҳаллий шаҳарлар эстетикасини шаклланишида ҳар иккаласи

---

<sup>26</sup> Сендидж Ч. Реклама: теория и практика: Пер. с англ. – М.: Сирин, 2001 С. 79.

Ўзига хос аҳамият касб этиб, бир-бирига мослашиб, томошабинда комплекс таассуротларни юзага келтиради.

Ўзбекистон шаҳарсозлик амалиётида архитектура ҳамда ташқи рекламанинг ўзаро таъсири муаммосини ҳал этишда *тектоник, атектоник* ҳамда *кескинлик* ёндашувларидан мунтазам фойдаланилмоқда. Ушбу ёндашувларнинг барчаси маҳаллий шароитда архитектура ва рекламанинг бир-бири билан уйғунликда мавжуд бўлиши имкониятларини таҳлил қилишга асос яратади.

Муайян муҳитга кўра реклама маҳсулотларини яратиш принципларида тафовутлар ҳам мавжуд. Масалан, Тошкент шаҳрининг тарихий ҳамда замонавий қисмларидаги рекламалар бир нечта принциплар билан бир-бирдан фарқланади. Бу ташқи рекламаларнинг турлари, бадиий-композицион таркиби ҳамда рекламани ўзига хос жойлашувида намоён бўлади. Шаҳарнинг замонавий қисмидаги рекламаларнинг тарихий қисмидаги рекламалардан фарқланишининг асосий сабаби, муҳитнинг бошқа таркибий қисмлари, архитектура иншоотлари спецификаси, маълумотлар концентрацияси юқори бўлган марказлар, муҳитнинг ҳажмий-фазовий имкониятларининг рекламага кўрсатаётган таъсири ёки унга бўлган эҳтиёжда кўрилади.

Ўзбекистон шаҳарлари муҳитида ташқи реклама конструкцияларини жойлашиши икки объектга нисбатан амалга оширилади. Булар: 1) муҳитнинг архитектуравий таркибига нисбатан; 2) кўча фазовий-макон муҳитига нисбатан.

Шаҳарнинг тарихий қисмидан ўрин олган рекламаларнинг бадиий-композицион ечимлари кўпроқ примитивлиги, бадиий савияси билан шаҳарнинг замонавий қисми реклама намуналаридан фарқ қилади. Тарихий муҳитдаги кўчалар ҳамда архитектуравий иншоотлар, мавжуд табиий-ижтимоий шароитлар кўрилаётган ҳудудда рекламани бадиий-композицион тараққий этишига бўлган эҳтиёжни шакллантирмаганини ҳам кўриш мумкин. Бироқ, тарихий шаҳарлар муҳитидаги ташқи рекламаларни ўрганиш жараёнида баъзи шаҳарларда ташқи рекламаларнинг бадиий-композицион ечими ҳамда мавзулари муҳит табиатига етарли даражада мослашгани ва бу билан шарқона эски шаҳар муҳитининг ноёблиги сақланганлиги аниқланди. Бунга Бухоронинг эски шаҳар ҳудуди мисол бўла олади. Шаҳар ҳудудида ташқи реклама мавзулари, асосан туристларга мўлжалланган.

Мазкур ҳудудда жойлашган рекламалар, асосан бир хил мавзуга оид, яъни миллий ҳунармандчилик моллари рекламаларидан иборат. Бунинг моҳияти шаҳарнинг мазкур қисми саёҳатчиларга мўлжалланганлиги билан изоҳланади. Реклама эълонлари матнининг асосий қисми инглиз, француз ва италян, қолган қисми ўзбек тилида ёзилган. Ташқи реклама типографикасида психологик жиҳатдан шаҳарнинг шарқона образига мувофиқ араб ёзуви стилистикасидан фойдаланилганлигини кўриш мумкин.

Вилоятлар шаҳарлари реклама муҳитида пойтахтдан фарқли равишда рекламанинг янги инновацион технологиялари видеопанель, светодиодли

экран каби тури кам қўлланилади. Бунинг сабаби, аввало, мазкур ҳудудда рекламага бўлган талаб, харажат ва рақобатнинг сустиги билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг «**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ташқи реклама санъатининг бадий амалиёти ва соҳадаги долзарб муаммолар**» деб номланган учинчи бобида ташқи реклама шаҳар информацион маданияти нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Шунингдек, мустақиллик даври маҳаллий ташқи реклама амалиётидаги миллий ўзига хосликлар борасидаги изланишлар жараёни, соҳадаги анъана ва инновацион ютуқлар амалий мисоллар орқали ёритилган.

Замонавий жамиятидаги маълумотларнинг асосий қисми массмедиага оид ахборотлардан таркиб топган. Жамиятда айланаётган ушбу маълумотлар, улардаги “маданий хусусият”лар билан шартланиб, одатда, фойдалилик, тўлиқлик, ишонччилик, янгилик ва қадрчилик сифатлари билан баҳоланади.

Этикага оид норма ва принциплари инобатга олган ҳолда юқорида келтирилган хусусиятларнинг маҳаллий реклама медиа матнларида мавжудлиги ёки аксинча, йўқлиги ундаги мавжуд ахборотларни учта сифат турларига ажратади. Булар: конструктив (фойдали ёки маънавий ахлоққа оид); нейтрал (фойдасиз ва маънавий жиҳатдан нейтрал); деструктив (зарарли ва ахлоқсиз).

Маҳаллий муҳитдаги ахборотларни бундай турларга бўлиш жамиятнинг ривожланиши йўлидаги белгиланган мақсадларга тўғри келиши ёки аксинча, тўғри келмаслигига қараб амалга оширилади.

Ўзбекистон информацион муҳитидаги ташқи реклама соҳасида маънавият ҳамда этикага оид принциплар билан кўрсатилган рекламанинг ҳаққонийлиги, маълумотларни далиллар билан исботланганлиги, таққослаш, нарх борасидаги маълумот, миллий менталитет ва ахлоққа риоя этиш ҳамда кафолат ва эҳтиёт чоралари каби талаблари ҳам мавжуд.

Республикамизда яратилаётган рекламаларнинг информацион таркиби кун сайин янги, инновацион ғоялар билан бойитиб борилмоқда. Улардан бири реклама эълонларида дунёнинг маданий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган муҳим янгилик, қизиқарли ишланмалар ва турли соҳалардаги тадқиқотларнинг муҳим натижалари ҳақидаги маълумотларни тақдим этилаётганлигида кузатилади. Сўнгги йилларда маҳаллий ташқи реклама амалиётида интеллектуал савол-жавоб шаклидаги тизерли ёндашув самарали қўлланилаётганилиги кузатилади.

Рекламани информацион моҳияти нуқтаи назаридан тадқиқ этиш қуйидаги камчиликларни аниқлаш имконини берди. Биринчидан, юртимизда маҳаллий рекламага нисбатан эҳтиёж мавжуд бўлсада, уни ишлаб чиқиш ва тақдим этиш, маълумотнинг аниқ ва тушунарчилиги, унинг ғоявий ечими ҳали жаҳон стандартларига мос эмас. Иккинчидан, интенсив иқтисодий ўсиш шароитида ҳамда туризм каби соҳалар тараққиётида ташқи реклама индустриясини ривожлантиришда маркетингли ва ижтимоий-психологик механизмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Учунчидан, шаҳарсозликдаги ўзгаришлар, янги сити-марказларнинг юзага келиши мазкур ҳудудларда

реклама маълумотларини муҳит моҳиятига кўра жойлаштиришни талаб этади.

Ўзбекистоннинг йирик ҳамда тажрибали реклама агентликлари фаолиятини ўрганиш жараёнида тўпланган маълумотлар уларнинг аксарияти умумий “реклама агентлиги” дея номлансада, бажараётган иши ва фаолияти бўйича турли йўналишларда эканлигини кўрсатди, яъни маҳаллий реклама агентликлари “реклама бизнеси”да фаолият тури ва моддий имкониятлари бўйича турли йўналишларга тармоқланганлиги уларни бошқа фирмалар орасида ажралиб туришини кўрсатади. Масалан, “USSO”, «MA’NO BRANDING», “BRANDBOX” реклама агентликлари реклама бизнесида ташқи реклама дизайни яратиш бўйича етакчи ҳисобланади. “Деловой город” «ZIYNAT», «SIYMO» ва бошқа реклама агентликлари вивескалар, экспозицион дизайнлар ва том учун қурилмалар ишлаб чиқариш бўйича ўз хизматларини маҳорат билан тақдим этишади, Ahad Mix Group светодиод экранли транзит рекламалар соҳасида, JCDesaux светодиодли экранлар ва шаҳар мебелларини жойлаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширади.

Чет эл реклама амалиётида бозор ҳудудий қисмланган ҳолда ўрганилади ва олинган натижаларга асосан реклама эълонлари мослаштирилади. Мазкур муаммонинг тадқиқи Ўзбекистонда бозорни сегментация қилиш биров секин амалга оширилаётганлигини кўрсатмоқда. Замонавий ташқи рекламани информацион маданият контекстида ўрганиш натижасида айрим камчиликлар аниқланди. Булар реклама мурожаатида кўплаб орфографик ҳамда стилистик хатоларга йўл қуйилаётганлиги, эскирган шаблонли бадий ечимларни қўлланилиши, рекламада керагидан ортиқ ахборотни тақдим этиш ва ҳ.к.

Замонавий маҳаллий ташқи рекламани шаҳар информацион маданият контекстида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Реклама ўзининг прагматик функциясидан ташқари социумда информацион маданият ташувчиси, тарғиботчиси ҳамдир. Сўнгги йилларда халқаро танловларда ўзбекистонлик реклама дизайнерлари яратган реклама концепциялари, лойиҳалари юқори баҳоланаётганлигини таъкидлаш керак. Бу Ўзбекистон замонавий ташқи рекламасининг профессионал савиясининг ортиб бораётганлигини англатади.

Халқаро танлов ва фестивал учун яратилган реклама лойиҳалари маҳаллий реклама амалиётига татбиқ этилган лойиҳалардан фарқ қилади. Бу рекламани яратиш жараёнида жамиятнинг маданий-маънавий, сиёсий-ижтимоий установакаларини инобатга олиш, миллат менталитети ҳамда унинг психологик ўзига хосликларини ўрганиш, шу принципларга асосан реклама дизайнини ишлаб чиқиш билан боғлиқдир.

Мустақиллик даври Ўзбекистон реклама индустрияси тараққиётида муҳим воқеалардан бири 2016 йилдан буён ҳар йили мунтазам ўтказилиб келинаётган “ADWEEK” реклама ва маркетинг ҳафталигидир. Ҳафталик доирасида миллий брендинг бўйича мамлакатнинг кўплаб реклама компаниялари мутахассислари бошқа хорижий мамлакатлар реклама соҳаси

мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашадилар, ўқув семинар машғулоти, маҳорат дарслари ўтказадилар.

